ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00972

МУЛОҚОТНИНГ ВИРТУАЛЛАШУВИНИНГ СИЁСИЙ ОНГГА ТАЪСИРИ

Абдулла Аликулович Рузикулов
Навоий давлат педагогика институти мустақил тадқиқотчиси.
abu.x2012@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон ривожланишнинг янги босқичида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижаси, бу давирда фуқаролар онгида содир бўлаётган ўзгаришлар, мулоқотнинг виртуаллашуви ва бунинг сиёсинг онга таъсири атрофлича ёритилган.

Калит сўзлар: сиёсий онг, ислоҳот, виртуал мулоқот, ахлоқ, дин, тарбия.

ABSTRACT

The article describes in detail the reforms being carried out in Uzbekistan at a new stage of development and their results, the changes taking place in the minds of citizens during this period, the virtualization of communication and its impact on politics.

Keywords: political consciousness, reform, virtual communication, ethics, religion, education.

КИРИШ

Бугунги кунда Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда ва бу ўз навбатида республикамиз фуқаролари хаётига янгича мазмуни киритмоқда десам хато бўлмайди.

Бундан 10 йил олдин виртуал қабулхоналар, ижтимоий тармоқларда маҳсус канллар орқали уйда ўтирган холда ўзини қийнаётган муаммо ёки масалла юзасидан давлат ташкилотларига ёки мансабдор шаҳсларга мурожаат қилишни тассавур ҳам қила олмасдик.

Айнан бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида фуқароларимиз бу каби имкониятларга эга бўлди.

Шу ўринда сиёсий муҳитни интернетлашуви ва унинг сиёсий онгга таъсири тўғрисида қисқача тухталмоқчимиз.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00972

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Сиёсий муҳитни интернетлашуви билан бир қаторда, иқтисодий, маданий, ҳуқуқий, маъмурий, диний, ахлоқий ва бошқа ҳодисаларнинг сиёсийлашуви юзага келади, бунинг натижасида сиёсий мавқийда юзага келган муаммо муҳим аҳамият касб этиб, бу вазиятда субъектларнинг қарорлар қабул қилишда дастлабки усул ва амалиётдан келиб чиқиб ҳал этилади.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики сиёсий интернетлашув яъни барча расмий ташкилотлар ўзларининг интернетда ўз саҳифаларининг очиши натижасида олдиндан фуқаролардан келиб тушиши мумкин бўлган савол ва мурожатларга тўлиқ тайёр бўлмаслиги натижасида улар фақатгина вазиятдан чиқиб кетишда унчалик тўлиқ “пишмаган” бўлсада дастлабки усул ва аввалдан кузатилган аммалиёт натижасида юзага келган лекин қонунчилик асосида тўлиқ расмий ечим сифатида кўрсатилмаган ечимлардан фойдаланишга мажбур бўлишади.

Шуни алоҳида таъқидлаш лозимки замонавий жамиятнинг виртуаллашуви ўз-ўзидан аҳборот майдонида ҳамда сиёсий мулоқотда ҳам ўз аксини топади.

Виртуаллашув натижасида ҳар қандай симуляциянинг ҳаққиқатдан ўзгартилган – бу компютер техникаси биланми ёки усизми барибир виртуалл ҳақиқатга тадбиқ этилади.

Виртуаллашувнинг икки жиҳати мавжуддир, ижобий ва салбий жиҳати:

Ижобий жиҳати шундаки, қарорлар қабул қилишда эски тузим даврида мавжуд бўлган кўзга кўринмас тўсиқлар олиб ташланади, барча фуқаролар ОАВ ва интернет тармоғида жойлаштирилган давлат даражасидаги хужжатларга, дастур ва ҳуқуқий меъёрий хужжатлар лойиҳаларига ўз фикр мулоҳазалари ва таклифларини тўғридан-тўғри киритиш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, барча қарор ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг барча ОАВ ва интернет саҳифаларда ёритиб борилиши ҳокимият фаолиятини шаффофлигини ошириб ўзаро ишонч даражасини мустаҳкамлайди.

Салбий томони шундаки, турли кайфиятдаги инсонларнинг ўз амбицияларини намоён қилиши, ҳарбир лойиҳанинг фақат ёмон томонларига ўрғу бериш, мавзуга таълуқли бўлмаган масалларни ўртага ташлаши, мақсад йўлида ҳокимият вакиллари томонидан ҳали қонунчликда тўлиқ ечими топилмаган масаллар юзасидан амалга оширган хатти-харакатини турлича талқин қилиб ислоҳотларга нисбатан ишончсизлик даражасини оширишга бўлган ўринишларнинг ортиши, қолаверса, норасмий ОАВ ва интернет сайтлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00972

томонидан расмий маълумотлар берилмасдан олдин турли миш-мишларга расмий тус беришга бўлган ўринишлар кузатилади.

Мулоқотнинг виртуаллашуви сиёсий онгга таъсир қилишнинг янгича босқичга олиб чиқиб, жараёнларни янада тезлашувига сабаб бўлади. Илгари маълумотларнинг етарли ва расмий ҳужжатлар билан фуқароларнинг яқиндан таниш эмаслиги натижасида ўз фикрларнини билдириш, сиёсий жараёнларга муносабат билдириш каби масалларга бироз эҳтиёткорона муносабатда бўлишган бўлса, виртуаллашув натижасида аҳборот олишнинг тезлашуви, мамлакат миқиёсида содир бўлаётган ҳар қандай воқийликнинг тезда реал вақт режимида интернет сайтлар ва виртуал гуруҳларда муҳокама қилиниши инсонларнинг сиёсий онгининг муддатидан олдин яъни амалдаги ривожланиш темпига сезиларли даражада таъсирини кўрсатади. Бу ўз навбатида фуқароларнинг давлат органларига нисбатан муносабатларида, уларга мурожат қилиш тартибининг ўзгаришларида кўзга ташланади.

Сиёсий интернет-коммуникациялашув натижасида давлат ва жамият тармоқда талабларни белгиловчи фуқароларнинг фаоллиги ва сиёсий иштирок билан тўқнаш келади. Россия Федрацияси Жамоат палатаси экспертларининг ҳулосасига кўра бугунги кунда интернет фуқарорларнинг ўзларини-ўзлари жипслаштиришнинг энг оммабоп маконига айланди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Кузатувлар шуни кўрсатадики, жамиятда интернетнинг роли ошиши электрон ҳукуматнинг шаклланиш фуқаролар сиёсий онгига таъсир этиб давлат хизматларининг самарадорлигини ошириш мақсадида информацион-коммуникацион технологияларнинг фаол кўлланилиши (ИКТ) муносабатларнинг янги турини яратиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, мурожаатлар билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими яратилди. Мазкур тизимнинг асоси бўлган Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари бевосита давлат раҳбарига мурожаат қилиш, халқ билан доимий мулоқот олиб бориш, одамларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этишнинг таъсирчан механизмига айланди. Президент виртуал қабулхонасига ўтган қисқа даврда 1 миллион 600 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00972

Бу, бир томондан, халқимизнинг давлат ҳокимиятига ва қонун устуворлигига бўлган ишончи тобора ошиб бораётганидан далолат бўлса, иккинчи томондан, жамиятимизда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари самарали татбиқ этилаётгани, халқимизнинг улардан фойдаланиш даражаси юксалиб бораётгани, одамлар яратилган имконият ва қулайликлардан ўз кундалик ҳаётида тўғри ва мақсадли фойдалана олаётганини кўрсатмоқда.

Шулар асосида Президент виртуал қабулхонаси дастурий тизимининг янги талқини ишлаб чиқилди ва эртага, 2017 йил 1 февраль куни тест режимида ишга туширилади. Сайт манзили ўзгармаган — pm.gov.uz. Бунда «pm» қисқартмаси — «Президентга мурожаат» тарзида талқин қилинади.

2016 йил 24 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг виртуал қабулхонаси сифатида фаолият юритган – PM.gov.uz сайтининг фаолият эътибор қаратадиган бўлсак, 2016 йилнинг икки ой мобайнида виртуал қабулхонага 217 мингга яқин мурожаатлар келиб тушган ва уларнинг 135 мингдан зиёди кўриб чиқилиб, нафақат кўриб чиқилган, балки мурожаатчини қийнаётган саволларга жавоб берилган ёки мавжуд муаммолар ҳал қилинган.

1-расм

Қуйидаги график суратларда бугунги кунгача бўлган қисқача статистик маълумотлар:



2-расм

Бош вазир виртуал қабулхонаси
Мурожаатларнинг аксарияти интернет тармоғи орқали юборилган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00972



Мурожаатларнинг энг кўпи Тошкент шаҳри аҳолиси ҳиссасига тўғри келаган. Бу интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг ҳам энг катта қисми айнан Тошкент шаҳрига тўғри келиши билан ҳам боғлиқ эканлиги айтилган.

3-расм

Бош вазир виртуал қабулхонаси




ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00972

Энг кўп мурожаатлар қуйидаги давлат идораларига ижрога юборилган ва ижроси устидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан назорат ўрнатилган.

4-расм

Бош вазир виртуал қабулхонаси



Статистик маълумотларнинг янгиланиш даврийлиги 12 соатни ташкил этади (соат 12:00 ва 24:00 да). 2016 йил маълумотларга кўра, Бош вазир виртуал қабулхонасига юборилган мурожаатлар сони 218638тани, кўриб чиқилганлар сони эса 137602тани ташкил этган.

ХУЛОСА.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики мулоқотнинг виртуаллашуви жамият ривожини янги босқичга олиб чиқиш билан бирга фуқаролар сиёсий онгига ўз таъсирини ўтказиб уларнинг маълумот олиш имкониятларини кенгайши ва янгиликлардан реал вақт режимида, уша дақиқаларнинг ўзида ҳабардор бўлиш ва ҳеч қандай расмий изоҳларсиз ўз муносабатларини билдириш имконнини беради.

Масалланинг иккинчи томони эса сиёсий жараёнларда айниқса қарорлар қабул қилишда фуқароларнинг виртуал иштирокини ҳам таъмилайди. Келажакда фуқаролар парламент ва маҳаллий кенгашларга ўтказиладиган сайловларда электрон овоз бериш йўлини танлаши имкониятларини яратиб беради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00972

Умуман олганда мулоқотнинг бу тури оммавий тирбандлик, фуқароларнинг сайловларда иштирокини таъминлаш мақсадида блютин, таклифномалар ва бошқа қоғозларни тежашга ва милионлаб маблағларнинг сарфланишини олдини олади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 37 (745)-сон, –Т., 2016, 3-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
24.01.2020. https://www.prezident.uz/uz/lists/view/3324
3. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш–юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 07.12.2016. http://press-service.uz/uz/news/5384/
4. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. 14.12.2016. http://press-service.uz/uz/news/5395/
5.Доклад о состоянии гражданского общества в Российской Федерация за 2010 год. - М.: Общественная палата Российской Федерации, 2010. - С. 3.
6.Данилов М.В. Явление «политизации» в современном обществе: постановка исследовательской проблемы// Известия Саратовского университета. Т. 9. Сер. Социология. Политология. Вып. 1. - 2009. -С. 92.
7. PM.gov.uz
8. https://www.xabar.uz/jamiyat/prezident-virtual-qabulxonasi-dasturiy.